



Эй бола! Мен сенга бир неча калималарни ўргатаман: Аллоҳнинг ҳақларини сақлагин - У Зот сени сақлайди. Аллоҳнинг ҳақларини сақла - Уни қаршингда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Агар кўмак тиласанг, Аллоҳдан тила

Абу Аббос Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир куни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларидан уловларига мингашиб кетаётган эдим. Шунда улар менга: «Эй бола! Мен сенга бир неча калималарни ўргатаман: Аллоҳнинг ҳақларини сақлагин - У Зот сени сақлайди. Аллоҳнинг ҳақларини сақла - Уни қаршингда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Агар кўмак тиласанг, Аллоҳдан тила. Билгинки, бутун уммат сенга бир манфаат етказмоқ учун жамлансалар ҳам, фақат, Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган манфаатни етказа оладилар. Агар улар сенга бир зарар бермоқ қасдида тўплансалар ҳам, фақат, Аллоҳ сенга ёзиб қўйган зарарнигина бера оладилар. Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриб бўлган». Тирмизий ривоятидан бошқа ривоятда: «Аллоҳнинг ҳақларини сақла - Уни қаршингда топасан. Ёруф кунларингда Аллоҳни танигин - оғир кунларингда У Зот сени танийди. Билгинки, нима сени четлаб ўтган бўлса, унинг сенга тегиши (тақдирда) йўқ эди. Сенга етган нарсанинг (тақдири азалда) сени четлаб ўтиши йўқ эди. Билгинки, албатта ғалаба сабр билан, ёруғлик-ечим машаққат билан қўлга киритилади, шубҳасиз, оғирлик билан бирга енгиллик ҳам келур».

[Саҳих] [Термизий ва бошқалар ривояти]

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо хабар берадиларки, у киши ёш болалик пайтларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида уловга миниб кетаётган эдилар. Шунда У зот шундай дедилар: «Мен сенга Аллоҳ таолонинг фойдаси тегадиган баъзи нарсаларни ўргатаман: Аллоҳнинг буйруқларини бажариш ва қайтарган нарсаларидан қайтиш билан У Зотни ёдингда тут. У Зот сени тоат ибодат қилаётган ҳолда топсин. Гуноҳ ва маъсият устида кўрмасин. Агар сен шундай қилсанг, Аллоҳ сени дунё ва охиратнинг ёмонликларидан асрайди ва қаерга юзлансанг, сени ғалаба ва ёрдам билан қувватлайди». Агар бирор нарсани сўрамоқчи бўлсанг, фақат Аллоҳдан сўра. Чунки ҳақиқий мустажоб қилувчи фақат Унинг Ўзидир. Агар ёрдам истасанг, фақат Аллоҳдан ёрдам сўра. Шунга қатъий ишонгинки, бутун ер юзидаги одамлар сенга манфаат етказиш учун бирлашсалар ҳам, Аллоҳ сен учун ёзиб қўйганидан ўзга нарсани беролмайдилар. Агар ҳаммаси сенга зарар етказишга йиғилсалар ҳам, Аллоҳ

тақдир қилганидан ўзга нарсани етказолмайдилар. Чунки Аллоҳ таоло ҳамма нарсани Ўз ҳикмат ва илмига биноан ёзиб қўйган. У ёзган тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Ким Аллоҳнинг амрларини муҳофаза қилиб, ман этганларидан сақланса, Аллоҳ таоло унинг олдида бўлиб, ҳолидан огоҳ бўлади, унга ёрдам ва қувват иноят қилади. Банда тинчлик ва фаровонликда Аллоҳга итоат қилса, Аллоҳ унга қийинчилик ва синов вақтида чиқар йўл бериб, уни халос қилади. Ҳар бир банда Аллоҳ тақдир қилган нарсага – яхши бўлсин, ёмон бўлсин – рози бўлиши лозим. Муаммолар ва офатлар билан юзма-юз келганда эса сабр қилиши керак. Зеро, сабр – нажотнинг калитидир. Қийинчилик авжига чиққанида, албатта, Аллоҳдан енгиллик келади. Ҳар бир машаққатдан кейин Аллоҳ осонлик ва енгилликни ато қилади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/66522>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

